

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» факультети

«Давлат молияси ва солиқлар» кафедраси

«Юридик шахсларни солиққа тортиш» фанидан

**«ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИНИ
ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»**

мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: «Солиқлар ва солиққа тортиш»

таълим йуналиши

3-курс СС-52 гуруҳи талабаси

Умаров Азамат Садулло ўғли

Кафедрага топширилган сана « _____ » _____ 2012 й

Ҳимоя қилинган сана « _____ » _____ 2012 й

_____ балл

Ҳайъат аъзолари: _____

Тошкент- 2012

М У Н Д А Р И Ж А

	бет.
Кириш.....	3
1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти ва солиқ тизимини тутган ўрни.....	5
2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўловчилар ва солиқ солиш объектини аниқлаш тартиби.....	15
3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар.....	19
4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизмнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	22
5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизмни такомиллаштириш йўллари.....	24
Хулоса ва таклифлар.....	27
Фойдаланилган адабиётлар.....	29

КИРИШ

Бугунги кунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи объектларини аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва ундириш жараёнида бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Солиқ тизими давлатимиз ривожланишининг барча босқичларида бюджетга зарур молиявий ресурсларнинг келиб тушишиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича ўз олдида турган вазифаларни бажариб келмоқда.

Мамлакатимиз солиқ тизими иқтисодиётни модернизациялаш шароитида узлуксиз такомиллашиб бормоғи лозим, чунки бундан асосий мақсад корхоналар зиммасидаги солиқ юқини макроиқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам камайтириб боришдир. Солиқлар юқининг юқори бўлиши корхоналарни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, замонавий техника ҳамда технологиялар билан қайта жиҳозлашга, айланма маблағларини кўпайтириша маблағлар йўналтириш имкониятини кескин камайтиради. Бу эса ишлаб чиқариш даражасининг пасайишига олиб келади. Натижада хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муаммолари кескинлашувига сабаб бўлади.

Иқтисодий ислохатларни амалга оширишда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва солиққа тортиш муносабатлари узлуксиз равишда ўзининг такомиллаштириш тавсифига эга бўлган. Солиқ муносабатларини бугунги кун талаблари даражасида янада самаралироқ ташкил этиш ва амалга ошириш, субъектлар томонидан ундаги айрим элементлар механизмини мақбул шартлар асосида қабул қилиш заруриятини белгилайди.

2012 йил 19 январь куни мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ юқини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги эътироф этилди «Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юқини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда солиқ юқи, 1991 йил билан солиштирилганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийиб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайрилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийиб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни,

биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этига йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2011 йилда республикада иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айтиш керакки, шунга эътибор беришингизни сўрайман аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинмоқда.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, улар қўллаб қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадларидаги фарқ коэффициенти 21,1 баробаридан 8,3 баробарига қисқарди. Айтиш керакки, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даржаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим. Бу, аввало, кам иш ҳақи тўланадиган ишловчилар тоифаси даромадларининг кўпайишига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир»¹

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда солиқ муносабатларини такомиллаштириш юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва унинг амал қилиш механизмини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш услуги ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки тушадиган солиқ тушумлари давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

¹ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

1.ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ

Солиқлар деганда солиқ қонунчилигида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Давлат бюджети республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Солиқ тизimini давлат томонидан жорий этилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуаси, уларнинг шакли ва тузилиш методлари ташкил этади. Солиқ тизими етарли даражада мураккаб бўлиб, у кўпгина солиқ турлари, ҳар хил турдаги солиқ тўловчилар, солиқни ундиришни ташкил этиш усуллари ва солиқ имтиёзларидан иборат.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими қуйидаги таркибга эга:

1. Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар.

2. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.

2) Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

3) Қўшилган қиймат солиғи.

4) Акциз солиғи.

5) Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар.

6) Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Бошқа мажбурий тўловлар:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов.

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари.

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар.

- Республика йўл жамғармасига йиғимлар.

3) давлат божи.

4) божхона тўловлари.

Инглиз иқтисодчиси Д.Кейнснинг фикрича, “жамиятда солиқлар фақат иқтисодий муносабатларни изга солиб туриш учун мавжуд”²

Солиқ назарияси солиққа тортиш хусусидаги иқтисодий муносабатлар ва бу муносабатлар туфайли келиб чиқадиган объектив ва субъектив

² Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт.-Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.- 26-бет.

зиддиятларни, зарурий, муҳим боғлиқлик ва алоқадорликни очиб беради, зарур ҳолларда солиқ ундириш жараёнидаги ҳодисаларни категориялар воситасида изоҳлаб беради. У ёки бу умумдавлат солиқ тури, унга хос бўлган тушунчаларни тўғри ифодалай олиш юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўғрисидаги билимларни аниқлаштиради.

Республика бюджети даромадларини асосий қисмини ташкил этадиган ва давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган солиқлар умумдавлат солиқлари деб аталади.

Республика бюджети бу давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори акс эттирилади.

Республика бюджети даромадлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар.
2. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар.
3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари.
4. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари.
5. Резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар.
6. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Молия йили биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр ҳисобланади.

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак.

Республика ҳукумати умумдавлат тусида жуда катта вазифаларни мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб интизом инфратузилмасини яратиш, меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. Умумдавлат солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин.

Солиқ тўғрисидаги тушунча асрлар давомида ўзгариб борган. Солиққа тортиш назариясининг ривожланиши ва такомиллашиб бориши билан

«солиқ» тушунчасига нисбатан қараш эволюцион равишда ўзгарган. Олимлар ва жамоат арбоблари солиқ тушунчасига фақатгина иқтисодий қарашдангина эмас, балки унга юридик нуқтаи назардан ҳам таъриф беришга уринганлар.

Италиялик иқтисодчи Ф.Нитти давлатнинг солиқлар таъсирида миллий бозорини ривожланишдаги ролини аниқлаб берувчи таърифни берди: «Солиқлар бу фуқаролар бойлигининг улар томонидан давлатга ва маҳаллий органларга ўзларининг жамоа талабларини қондириш учун тўлайдиган бир қисмидир»³

Инглиз иқтисодчиси С. Паркинсоннинг фикрича: «Солиққа тортиш дунё каби қадимий бўлиб, унинг бошланғич шакллари маҳаллий қабила бошлиқларининг дарё бошларини, икки дарёнинг кесишган ёки тоғдан ўтиш жойларини тўсиб, ундан фойдаланганлик ёки савдогар ва сайёҳлардан ушбу ердан ўтганлик учун тўловлар ундирган даврларда пайдо бўлган»⁴

Швецария иқтисодчиси С. Фишернинг фикрича, «Солиқлар- бу жамиятнинг цивилизация учун тўловидир»⁵

2007 йил 23 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 126-127-моддаларида фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагича акс эттирилган:

«Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу бўлимга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари»⁶

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига республикамиз олим ва мутахассиларидан ҳам бир нечтаси таъриф бериб ўтган. Профессор А.В.Ваҳобов, А.Жўраевлар бу ҳақда тўхталиб, «Солиқ кодексига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилари бўлиб, молия

³ Ресакова И.Г., Кашина В.А. Налоги и налогообложение –М: Ифра-М, 1998.-7с

⁴ Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт.-Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.-3-бет.

⁵ Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт.-Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.-3-бет.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.-Т.: Адолат, 2008 й.- бет

йилида солиққа тортиладиган фойдага эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади”⁷- дейди.

Республикаимиз олимларидан профессор М.Йўлдошев ва Й.Турсуновлар бу ҳақда тўхталиб, “Даромад фойда солиғи субъектлари, тўловчилари бўлиб молия йилида солиқ солинадиган даромад фойдага эга бўлган юридик шахслар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланадилар”⁸ деб таъриф берганлар.

Бундан ташқари республикаимиз олимларидан И.А.Завалишинанинг куйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “Молия йилида солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар даромад фойда солиғи тўловчилар ҳисобланади”⁹

Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиш тизимининг ривожланиши 1991 йилдан шу кунга қадар назар ташлайдиган бўлсак куйидагиларни кузатиш мумкин бўлади:

-Умумий тартибда барча солиқ тўловчилар учун даромадларни ҳисобга олиш усули жорий қилинди.

-Солиқ ставкаси 38 фоиздан 9 фоизгача тушурилди.

-Солиқ тўловчилар мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

-Чет эллик юридик шахсларни солиққа тортиш тартиби аниқланди, бунда уларни резидентлик ва доимий муассаса хусусиятларига қараб бўлиб чиқилди.

-“Солиқ тўловчининг идентификация рақами”, “лизинг”, “шубҳали қарзлар” ва шунга ўхшаш кўпгина тушунчалар киритилди.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида давлат бюджети асосий ўрин тутди. Чунки бюджет барча соҳаларни қамраб олгани ҳолда уларнинг нафақат муайян йил, балки келгусидаги истиқболи белгиланиши билан аҳамиятлидир. Давлат бюджети, асосан солиқлар тушуми билан шаклантирилар экан, умумдавлат солиқлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизда солиқ тизими шаклланишига жуда кўп вақт кетмаган бўлса ҳам, солиқ тизимимиз йил сайин янгиланиб, такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Ҳазирги кунда бутун дунё мамлакатларида давлатнинг аниқ амал қилувчи солиқ тизими мавжудлиги унинг юксак даражада тараққий этганлигининг белгиси ҳисобланади. Шунинг учун солиқ тизимини жаҳон андозалари даражасида шакллантириш ва ривожланган мамлакатларнинг солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларидан солиқ тизимимизда фойдаланиш бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитига мослашишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар энг аввало, мамлакат иқтисодиётини

⁷ Ваҳобов А.В, А.Жўраев. “Солиқлар ва солиққа тортиш”- Тошкент.Шарк, 2009.- 72-бет.

⁸ Йўлдошев М, Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи-Тошкент: “Молия” 2000 й. 64-бет

⁹ Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт.-Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.- 177-бетлар.

ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолини турмуш даражасини кўтаришга мўлажалланган ижтимоий вазибаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

2011 йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,3 фоизга кўпайди, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 16,1 фоизга ошди (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистонда 2011 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар
(ўтган йилга нисбатан)¹⁰**

№	Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 Йил	2011 йил
1.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
2.	Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
3.	Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1
4.	Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4
5.	Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4
6.	Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,9
7.	Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳакининг ошиши	44,2	40,0	40,0	32	26,5
8.	Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5	23,5	23,1

2-жадвал

Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)¹¹

№	Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2	+0,3	+0,4
2.	Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,9

¹⁰ И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

¹¹ <http://www.mf.uz> –Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши¹²

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31%	9%	9%	9%
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	11%, 17%, 22%	10%, 16%, 22%	9%, 16%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15%	7%	6%	5%
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4,0%	3,5%	3,5%	3,5%
Ягона ижтимоий тўлов	40%	25%	25%	25%

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари	2010 йилги	2011 йил
Ялпи ички маҳсулот	108,3	108,3
Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш	108,3	109,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш	105	105,8
Капиталь қўйилмалар ҳажми	122,1	112,4
Чакана савдо ҳажми	116,3	115,4

¹² И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январь (№ 14) 2-бет

**Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги
Давлат бюджети параметрлари**

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2010 йилги	2011 йил	Ўсиш кўрсаткичлари % да	Бюджет дармадларида салмоги %да
Давлат бюджети даромадлари	13 116 396,9	16 178 563,5	123,3	100
Шу жумладан: Бевосита солиқлар	3 420 602,8	4 238 732,8	123,9	26,2
Билвосита солиқлар	6973 809,5	8 656 853,1	124,1	53,5
Ресурс солиқлари	1 974 143,8	2 308 908,7	116,9	14,3
Бошқа даромадлар	589120,3	974068,9	165,3	6,0
Бюджет харажатлари	13 732 502,5	16 991 100,0	123,7	Бюджет дефицити ЯИМга нисбатан 1,0 фоиз

Таҳлил қилинаётган даврнинг якунларига кўра, 2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида тўғри солиқлар 4 238, 7 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 825,0 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 527,4 млрд. сўм, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 378,3 млрд. сўм, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 1789,7 млрд. сўм, юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинadиган катъий белгиланган солиқ 187,5 млрд. сўм, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 530,6 млрд.сўмдан иборат (6-жадвал).

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри солиқларнинг тугган ўрни¹³

Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами	4 042,5	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,4	16 178, 5	20614,1
1. Бевосита (тўғри) солиқлар	1 115,3	1320,5	1798,1	2769,2	3420,6	4 238, 7	5196,4

¹³ : <http://www.mf.uz> –Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

1.1	Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	218,9	261,7					
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи			361,2	542,4	645,5	825,0	917,2
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиғи	72,9	-	-				
	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	-	110,8	145,0	222,4	297,0	527,4	703,5
1.3	Ягона солиқ ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	95,5	-					
	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	-	103,9	145,6	256,0	346,3	378,3	538,5
1.4	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	603,4	689,0	888,5	1281,6	1535,0	1789,7	2372,7
1.5	Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган катъий белгиланган солиқ	55,0	54,2	81,7	108,6	139,1	187,5	218,1
2.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	69,6	100,5	176,1	358,2	457,5	530,6	446,4

2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида эгри солиқлар 8 656,8 млрд.сўмни ташкил этди. Шундан, қўшилган қиймат солиғи 5228,7

млрд. сўм, акциз солиғи 2481,7 млрд. сўм, божхона божлари 515,9 млрд. сўм, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ. 430,3 млрд. сўмдан иборат. (7-жадвал)

7- жадвал

Эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида тутган ўрни¹⁴

Кўрсаткичлар		2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
		млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами		4042,6	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,4	16 178, 5	20614,1
1. Билвосита (эгри) солиқлар		1 986,7	2478,1	3571,0	5 162,1	6973,8	8 656, 8	11187, 8
1.1.	Кўшилган қиймат солиғи	1 017,3	1261,7	2000,9	3093,9	3988	5228,7	6784,5
1.2.	Акциз солиғи	760,5	915,7	1170,4	1503,9	2191,0	2481,7	3115,5
1.3.	Божхона божлари	86,8	116,0	247,8	361,1	479,3	515,9	732,4
1.4.	Жисмоний шахслардан ягона божхона тўлови	45,9	73,4	-	-	-	-	-
1.5.	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.	76,2	111,3	151,9	203,2	315,5	430,3	555,4

8- жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимида ресурс солиқларини тутган ўрни¹⁵

Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами	4042,5	5100,9	7108,3	10421,4	13 116,3	16 178, 5	20614,1
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	768,2	931,8	1218,8	1662,5	1974,1	2 308, 9	2746,4

¹⁴ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

¹⁵ <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

1.1	Мол - мулк солиғи	142,6	191,4	234,0	319,1	354,1	490,5	642,0
1.2.	Ер солиғи	138,5	180,3	203,6	275,1	303,8	346,8	446,0
1.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиқ	465,8	531,0	746,3	1 024,8	1265,0	1409,7	1585,3
1.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ	21,3	29,1	34,9	43,5	51,2	61,7	73,1

2011 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида ресурс солиқлари 2 308, 9 млрд. сўми ташкил этган бўлиб, шундан мол - мулк солиғи 490,5 млрд.сўм, ер солиғи 346,8 млрд.сўм, ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиқ 1409,7 млрд.сўм ва сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ 61,7 млрд. сўмдан иборат.(8-жадвал)

2.ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

Тўғри солиқлар давлат бюджети даромадлари орасида эгри солиқлардан кейинги ўринда турса-да, лекин мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, давлат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажариш, кенг қамровли дастурларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри солиқлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилиши, мунтазам тўлаб борилиши ва давлат хазинасини тўлдиришга қаратилганлиги билан бошқа тўловлардан фарқ қилади.

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

1.Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.

2.Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Қуйидагилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилар бўлмади:

1. Нотижорат ташкилотлар.

2. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

1.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси.

2.Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, имтиёзлар ҳамда солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Жами даромадга қуйидагилар киради:

1.Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.

2.Бошқа даромадлар.

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинмайдиган даромаддир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинмайдиган тушум юқлаб жўнатишган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинмайдиган даромадлар киради.

Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади.

Солиқ тўловчининг харажатлари чегириб ташланадиган ва чегириб ташланмайдиган харажатларга бўлинади.

Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

- 1) моддий харажатлар.
- 2) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.
- 3) амортизация харажатлари.
- 4) бошқа харажатлар.
- 5) келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

1) моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар.

2) ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар).

3) хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар.

4) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

5) хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар.

6) умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш.

7) йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари.

8) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари.

9) жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари.

10) ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар.

11) дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар.

12) пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирийўла тўланадиган нафақалар.

13) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам.

14) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар.

15) экология, соғломлаштириш ва ҳайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва ҳайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар.

16) ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар.

17) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, кишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар.

18) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари.

19) кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар.

20) лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари.

21) байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир йўла мукофотлар ва таътилга қўшимча тўланадиган ҳақлар.

22) суд чиқимлари.

23) айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар.

24) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкининг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган

(бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар.

25) хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар.

26) инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар.

27) бошқа харажатлар.

3.ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ВА СОЛИҚДАН ИМТИЁЗЛАР

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ 2012 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари қуйидаги миқдорда белгиланган:

Умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг, 9 фоизлик ставкаси сақлаб қолинди Шунингдек:

- | | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Банклар учун | - 15 фоиз |
| Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахсларга миқдорда сақланиб қолинди. | |
| | - 35 фоиз |

Пластик карточкаларда хизмат курсатган корхоналар хизматлар хажмидан келиб чиқиб белгилаган солиқ ставкасини 10 %га камайтириши мумкин

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- 1) дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз.
- 2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига - 10 фоиз.
- 3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) - 6 фоиз.
- 4) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига - 20 фоиз.

9-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари¹⁶

№	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	9
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад	35

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарори «Солиқлар ва бошқона хабарлари» молиявий-иктисодий газетаси 2012 йил

	олувчи юридик шахслар	
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар.

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари.

3) жазони ижро этиш муассасалари.

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси.

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси.

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси.

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси.

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

4.ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИНИ ХИСОБЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Календарь йил солиқ давридир.Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 15-кунига қадар ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдориди тўланади.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўланадиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Корхонанинг бир ойдаги даромади 15 200,0 минг сўм ташкил этмоқда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисобланганда (15 200,0 X 9% =) 1 368,0 минг сўмни ташкил қилди.

$15\,200,0 - 1\,368,0 = 13\,832,0 \times 8\% = 1\,106,56$ минг сўм
ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
ҳисобланилади.

5. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети ва юридик шахсларни иқтисодий манфаатларига мос келувчи юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи механизмини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётда бозор муносабатлари шаклланиб ва аста секин ривожланиб бораётган бир пайтда солиқларни қайта тақсимлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиёт тармоқлари ҳар бирининг ривожланиш суръатлари ва бутун иқтисодиёт ўзининг ҳам ривожланиш даражаси кўп жиҳатидан, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ана шу масалаларининг қай даражада ҳал этилганлигига бевосита боғлиқдир. Бу нарса юридик шахснинг фаолиятига ҳам бевосита тегишлидир.

Солиқ ислоҳатларининг асосий йўналишларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юқини камайтириш, корхоналарнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратишга, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ставкасининг пасайтириб келиниши, солиқ базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар таркибини кенгайтиришга ҳамда ушбу солиқ тури бўйича кенг имтиёзлар тизими яратилишидир.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ўтказилган солиқ ислоҳатлари фискал ислоҳат нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ давлатлар АҚШ, Англия, Япония тўғри солиққа тортиш тизимини ривожлантиришни танладилар.

Иккинчи гуруҳ давлатлари бу Европа Иқтисодий Иттифоқ давлатлари (ЕЭС) бўлди. Улар ўз асосий имкониятларини эгри солиққа тортиш тизимини ривожлантиришга йўналтирдилар.

Мамлакатимизда 1996 йилда даромад (фойда) солиғи ставкаси 37 фоиз бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида ушбу солиқ ставкаси босқичма босқич пасайтирилиб, 2010 йилга келиб 9 фоиз миқдорида белгиланди ва ушбу ставка 2012 йил учун ҳам 9 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Яратилган даромад фойданинг давлат ва юридик шахслар ўратасида оқилона оптимал тақсимланиши корхоналарнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу энг аввало ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасида бевоситиа боғлиқдир.

Агарда 1996 йил даромад фойда солиғи ставкаси 37 фоизни ташкил этган бўлса, даромад фойда солиғи тушуми давлат бюджетига мақсадли жамғармалардан ташқари 24,1 фоизни ташкил этган. 2001 йилда даромад фойда солиғи 26 фоизни ташкил этган бўлса, даромад фойда солиғи тушуми давлат бюджетига мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда 11,3 фоизни ташкил этган. Даромад фойда солиғи ставкаси 2005 йил учун 15 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу солиқ тушуми давлат бюджетига мақсадли

жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда умумий тушумнинг 6,1 фоизни ташкил этди. Давлат томонидан солиқ ставкасини пасайтиришнинг бош мақсади бу солиқ тўловчилар орасида солиқ юқини пасайтиришдир.

2005 йилда агарда даромад (фойда) солиғи тўловчиларининг 40,4% ини хусусий корхоналар ва улар томонидан ушбу солиқ бўйича тўланган солиқ бор йўғи 3,5 фоизини, солиқ тўловчиларнинг 41 %ини жамоа корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқ 32,1 фоизни ва қолган 18,6 % солиқ тўловчиларни давлат корхоналари ташкил этса, улар томонидан тўланган солиқ 64,4 фоизни ташкил этган.

Ушбу маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, даромад фойда солиғи суммасининг асосий қисми давлат корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Ва аксинча, хусусий корхоналар 3,5 фоизни ташкил этади. Буни хусусий корхоналар учун солиқ сола ишнинг соддалаштирилган тизими жорий этилганлиги билан изоҳлаш мумкин, лекин улар томонидан ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларини кўпайтириш мақсадида, қуйидагини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Фойда солиғи базаси ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи базаси бир хиллик эга эканлигини инобатга олиб, ушбу солиқ турларини унификациялаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини маҳаллий бюджетга тушумини ва фойда солиғи республика бюджетига тушушини инобатга олиб банкларга ушбу унификациялаш натижасидан тушган солиқ тушумларини белгиланган нисбатларда тегишли бюджетларга ўтказиш лозим.

Шу ўринда иқтисодийнинг молиявий секторида фаолият кўрсатувчи тижорат банклари, суғурта ташкилотлари даромад фойдасини солиққа тортиш базасига қайта қўшиладиган харажатларни қолган ташкилотлар каби бир ҳил қилиб жорий этиш ва фақатгина уларнинг даромад олиш эҳтимоли кўпроқлигини инобатга олиб бошқа юридик шахслардан фарқли равишда юқори ставка қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиққа тортишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан юридик шахслардан олинадиган фойдасидан олинадиган умумий солиқ миқдорини камайтириш, корпорациялар фойдасига солиқ ставкасини пасайтиришга шу билан бир қаторда инвесторларга берилган солиқ имтиёзлари тизимини ислоҳ қила бошладилар. Бундай ҳолатда бюджет йўқотишларини қоплаш зарурати келиб чиқди ва аста секинлик билан эгри солиқлар ставкасини ошириш ва уларни солиққа тортиш базасини кенгайтириш билан бир қаторда миллий капитални инвестициялашни ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни ўсиши учун кучли механизм яратдилар.

Ривожланган давлатлар солиқ тизимидаги ислоҳатлардаги илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикасида қўллашда давлатимизнинг иқтисодий ва солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Бу албатта ўтказилаётган солиқ сиёсати ислоҳатларининг ижобий истиқболини таъминлайди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳар бир давлат иқтисодиётини ривожлантиришда солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Барча солиқ тизими тарққий этган илғор мамлакатларнинг солиқ тизимида юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқни аҳамияти катта бўлиб, мазкур солиқ бир томондан бюджет даромадларини салмоқли қисмини ташкил қилган бўлса, иккинчи томондан иқтисодиёт ривожини таъминлашда хўжалик сўбъектлари учун муҳим рағбатлантирувчи жиҳатларга эгадир.

Шу билан бирга, юридик шахслардан олинувчи фойда солиғидан оптимал фойдаланиш иқтисодиётга инвестиция оқимларини ортишига ва капитални ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатувчи қўшимча омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ тизимидаги ислоҳатлар билан бир қаторда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига тортиш тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Мазкур солиқни иқтисодиёт ривожини таъминлашда хўжалик субъектлари учун рағбатлантирувчи жиҳатлардан янада самарали фойдаланишда етакчи давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджети даромадларини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. Давлатнинг фаолияти солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки тушадиган солиқ тушумлари давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Солиқларни белгилашда солиқлар даражаси мамлакат бюджетига етарли миқдордаги тушумлар тушишини таъминлаши билан бирга солиқ юкининг жуда ҳам юқори бўлиб кетмаслиги зарурлигини инобатга олиш керак бўлади.

Солиқ юкининг юқори бўлиши тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан ва иқтисодий фаолият юритишдан манфаатдорлигини пасайишига олиб келади. Иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш асосан корхоналар фойдасини солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш ҳамда муайян турдаги корхоналарга солиқдан имтиёзлар бериш орқали амалга оширилмоқда.

Солиқ юки –солиқ тўловчининг муайян давр оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларнинг йиғиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йиғиндиси ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади.

Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш жарёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг солмоғини камайтириш диққат марказда турибди. Бунинг натижасида корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида купроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар фақат қонунчилик асосида амалга оширилади. Солиқ қонунчилиги ҳужжатлари қанчалик пухта ва мукамал ишланган бўлса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, ундириш осонлашади ҳамда уларни йиғиш арзонлашади.

Солиқ муаммолари таркибида солиқ юки муҳим аҳамият касб этади. Солиқ юки мамлакат иқтисодий қудратига, корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Улар бир-бирига ўзаро таъсир қилувчи омиллардир. Солиқ юки хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджетига белгиланган ставкада ва тартибда тўлайдиган солиқларнинг иш ҳажмига, фойдага нисбати тушинилади. Хўжалик юритувчи субъектларга

тўғри келадиган солиқ юкени ҳисоблаш учун солиқ тўловчиларнинг қайси тур солиқ тўловчи эканлигини белгилаб олиш муҳимдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи мамлакатимиз солиқ тизмининг бир бўлаги ҳисобланиб, амалга оширилаётган солиқ солиш тизимидаги ислоҳатлар мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли тарзда таъсир этади.

Курс ишимизнинг ниҳоясида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг солиқ тизими ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тутган ўрни, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш ҳамда уни ўрганиш асосида олинган асосий хулоса ва таклифларни қисқача акс эттирамиз.

Бу борада қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

Биринчидан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизмини соддалаштириш лозим.

Иккинчидан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш тартиби бўйича солиқ тўловчи юридик шахслар учун тушунарли ҳолда амалий тавсиялар тайёрлаб солиқ тўловчиларга етказиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- I. **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**
- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010 й. 40 бет.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил январь.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни, -Т.: Халқ сўзи, 2006 йил, 21 сентябр.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 1997 йил, 29 август. 1-2 бет.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент, 1996. 25 апрел.
- 1.6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуни.– Тошкент, 1995. 21 декабр.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090 Қарори
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарори
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарори.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сон қарори.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сон қарори.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 744-сонли қарори.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 532-сонли қарори.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва

унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони.

- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сонли Фармони.
- 1.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100 сонли қарори
- 1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармони.
- 1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони.

II. Президент асарлари.

- 2.1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи газетаси, 20 январь 2012 йил
- 2.2. Каримов И.А. «Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» Халқ сўзи газетаси, 22 январь 2011 йил.
- 2.3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 80 бет.
- 2.4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил. 56 бет.
- 2.5. Каримов И.А. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш- давр талаби» -Т.: Халқ сўзи, 14 февраль, 2009 йил.
- 2.6. Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” – Т.: Халқ сўзи , 2008 йил 9 февраль.
- 2.7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007 йил. 39-40 бетлар.
- 2.8. Каримов И.А. «Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир». – Халқ сўзи , 2007 йил 13 феврал.

- 2.9. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққийетининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». –Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.
- 2.10. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». – Т.: Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.
- 2.11. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». – Т.: Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.
- 2.12. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.
- 2.13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
- 2.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликни таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
- 2.15. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

- 3.1. Солиққа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар.- Тошкент: «NORMA». 2011.- 512 бет
- 3.2. Сборник №1 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.
- 3.2. Сборник №2 Нормативных документов по налоговому законодательству Республики Узбекистан. ГНК, РКИЦ, Ташкент, 2009.
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2007 йил 9 августдаги 1701-сонли «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- 3.4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2005 йил 16 июндаги 1480-сонли «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- 3.5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 360 б.

IV. Асосий адабиётлар.

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққийетини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”

мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 376 бет.

- 4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғафуров – Т.: Иқтисодиёт, 2010.-331 б.
- 4.3. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик-Т.:Шарқ, 2009. 448 бет.
- 4.4. Alimardonov M.I., To`xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. –Т.: O`zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 b.
- 4.5. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти, Дарслик (қайта ишланган)- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.-247 бет.
- 4.6. Налоги и налогообложение: учеб. /Под ред. И.А. Майбурова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 559 с.
- 4.7. Никулкина И.В. Общая теория налогообложения: учеб. пособ. – М.: Эксмо, 2010. – 176 с.
- 4.8. А.Н.Романова. Организация и методы налоговых проверок. учеб. пособ.М.:Вузовский учебник , 2009– 180 с.
- 4.9. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. — 7-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. - 520 с.
- 4.10. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
- 4.11. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ – 2008, 98 б.
- 4.12. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 343 б.
- 4.13. Абдуллаева Ш., Сафарова З. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 200 б.
- 4.14. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О., Абидинова Д. Банковский менеджмент и маркетинг. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 182 с.
- 4.15. Абдуллаева Ш., Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. –Т.: Иқтисод-молия, 2006. – 118 б.
- 4.16. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 б.

V. Қўшимча адабиётлар.

- 5.1. Митюкова Э.С. Налоговое планирование: анализ реальных схем. – М.: Эксмо, 2010. – 288 с.
- 5.2. Молчанов С.С. Налоги: расчет и оптимизация. – М.: Эксмо, 2010.–544с.

- 5.3. Юткина.Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник-М: ИНФРА-М, 2001.-429 с.
- 5.4. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под ред. И.А. Майбурова. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 511 с.
- 5.5. Налоги и налогообложение: Учебник. / Под. ред. И.А. Майбурова. 2-е изд., перер и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-511с.
- 5.6. Паскачев А. Б. Налоги и налогообложение : учеб. пособие. — М.: Высшее образование, 2008. — 384 с.
- 5.7. Тошмурадова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Ўқув кўлланма, -Т.: ТМИ, 2005. –158 б.
- 5.8. Абдуллаева Ш. Банк иши. –Т.: Иқтисод-молия, 2003. – 312 б.
- 5.9. Абдуллаева Ш. Банк рисклари ва кредитлаш. –Т.: Молия, 2002. – 304 б.
- 5.10. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. –Т.: Молия, 2000. – 312 б.
- 5.11. Абдурахманов О. Налоговые системы зарубежных стран. –М.: Палеотип, 2005. – 356 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар.

- 6.1. «Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. –Т.: «Иқтисодиёт», 2011. – 376 б. 2011 йил 16 март
- 6.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.: ДСҚ Солиқ академияси, 2010 йил 21-22 май.
- 6.2. Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2007 йил 14-15-декабрь.
- 6.3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари. Республика илмий амалий анжумани материаллари.-Т.:ТДИУ, 2005 йил 14-15- декабрь.
- 6.4. «Халқ сўзи» газетаси.
- 6.5. «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси.
- 6.6. «Солиқ тўловчининг журнали» журнали.
- 6.7. «Бозор, пул ва кредит» журнали.
- 6.8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали.
- 6.9. «Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш» журнали
- 6.10. Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари фаолиятининг 2010 йилги натижалари.-Т.: ДСҚ, 2011.
- 6.11. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, 2010.

VII. Интернет сайтлари.

- 7.1. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
- 7.2. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

- 7.3. www.cb.uz- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.
- 7.4. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
- 7.5. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
- 7.6. www.bankir.uz-Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмаси сайти.

